

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5620600-Зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши

Битирув малакавий иши
кафедрада муҳокама қилинди ва
ҳимояга тавсия этилди
Кафедра мудири, доцент
_____Ғ.Амантурдиев
«__» _____ 2014 й.

Ҳимояга рухсат берилди
Зоотехния факултети
декани, доцент
_____У.Ш.Балласов
«__» _____ 2014 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Соҳибқирон фермер хўжалигида жайдари қўйларида жун
ишлаб чиқариш технологияси таҳлили”**

Битирувчи:

4-94 гуруҳ талабаси

Э.Темиров

Илмий раҳбари:

Зоотехния кафедрасининг

Доценти

Ф.Джасимов

Тақризчи: Чорвачилик, паррандачилик

Балиқчилик илмий-тадқиқот институти

Катта илмий ходими

Б.Суванқулов

Тошкент – 2014

Мундарижа

Кириш.....	3
I.Адабиётлар шарҳи.....	5
II.Шаҳсий қисм.....	11
2.1.Соҳибқирон фермер хўжалигининг ташкил бўлиши, иқлим ва географик шароити.....	11
2.2.Хўжаликни иқтисодий кўрсаткичлари.....	13
III.Соҳибқирон фермер хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш.....	21
IV.Хусусий қисм.....	25
4.1.Тадқиқотни мақсади, вазифалари, манбаси ва қўлланилган услублар.....	25
4.2.Тадқиқот натижалари.....	28
4.2.1.Кўйларни жунини қирқиш технологияси	28
4.2.2.Жун ишлаб чиқариш натижаларини таърифи.....	31
4.2.3.Жуннинг сифатини табақалаш.....	34
4.2.4.Соҳибқирон фермер хўжалигида жун етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги.....	37
V.Хулоса.....	39
VI.Тавсия.....	40
VII.Фойдаланилган адабиётлар.....	41

Кириш

Қўйчилик қишлоқ хўжалигини энг йирик тармоқларидан бири бўлиб, жуда ҳам муҳим ўринга эга. Бу тармоқдан саноат учун хомашё жун, тери, пўстин, пўстак, чарим барра ва озиқ-овқат: гўшт, сут каби маҳсулотлар олинади.

Бу маҳсулотлар жуда ҳам зарур, хомашё уст кийим учун ишлатилади гўшт, сут каби маҳсулотлар эса одам организми учун жуда ҳам, фойдали моддаларга бой.

Бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун барча чоратадбирларни амалга оширмоқ лозим. Ҳозирги вақтда айни муддао, чунки бизнинг севимли Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган ва хўжаликни юритишда янги услублардан кенг фойдаланилмоқда. Лекин давлатимиздаги қайта қуриш барча оғирликларни ҳам яратади ва баъзан ишлаб чиқаришдаги йиллар давомидаги боғланишлар бузилиб қолди ва маҳсулот ишлаб чиқиш миқдори анчагина пасайиб кетди. Шундай ҳолатларга қарамасдан келажагимиз аниқ ва қўйчиликни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Бу аҳамият қўйчивонлар томонидан жуда яхши қўллаб-қувватланган ва режалар белгиланган.

Чорва маҳсулотларини етказишда ҳали ҳам ечилмаган муаммолар иборат, бу муаммоларни амалга ошириш катта куч ғайратни ва имтизонлик бўлишини талаб қилади. Муаммоларни ечими ва қўйлардан олинadиган маҳсулотларни янада ошириб бориши бу уларни ривожлантиришда ва ишлаб чиқаришга янги технология жорий қилинишини ва фан ҳамда илғор тажриба киритилишини талаб қилади.

Ўзбекистонда жун ва қўй гўштини ишлаб чиқаришга жуда ҳам етарли даражада потенциал тўпланган ва яйловлар ҳамда улардаги озукалар қўйларни талабини қондира олади. Қўйларни сони бугунги кунда 16 миллионга яқин, лекин бунга қарамасдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот

ҳали ҳам бизнинг эҳтиёжимизни тўлиқ қондираётган эмас. Бу ҳолатни яхшилаш учун барча резервуарларни ишга солиниши лозим.

Ўзбекистондаги қўйларни маҳсулот хилма-хилдир ва катта талабга эгадир. Аммо бу маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши ҳали ҳам етарли эмас. Қўйчилик бизнинг республикамизда асосан жайдаричилик билан ифодаланилади, аммо бунда бошқа гўшт-жун манбаи ва гўшт-ёғдор қўйлари ҳам мавжуд ва улардан олинадиган маҳсулот қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромадида салмоқлидир.

Бу қўйларни ичида жайдари қўйларни жуда мақтовга сазовордир ва энг қадимги қўй зотларидан биридир. Жайдари қўйни асосий маҳсулоти бу барра териси деб ҳисобланади. Бу билан бир қаторда жун, гўшт ва сут ҳам олиш мумкин.

Жайдари қўйлари Ўзбекистон шароитига жуда яхши мослашган бўлиб қимматбаҳо ва тўйимли гўшт етказиб беради. Бу қўйлардан деярли даражада жун ҳам олинади. Жайдари қўйни жуни дағал бўлиб гилам ишлаб чиқаришда ва одёл каби газмоллар ишлаб чиқарилишида кенг қўлланилади. Ҳозирги вақтда дағал жунларга бўлган талаб жуда ҳам катта лекин бу талабни қондирилиши етарли даражада эмас.

Сўнги йилларда қўйларни урчитилишига мамлакатимиз томонидан катта эътибор берилиб келмоқда ва деярли даражада ўзгаришлар мавжуд. Бу чора-тадбирларга қарамадан жайдари қўйларини жун маҳсулдорлиги ҳали ҳам паст ҳолатда ва уни етказиш эса деярли даражада, йўлга қўйилмаган. Шундан камчиликларни инобатга олиб бу қўйчиликни ривожлантиришга ва маҳсулдорлигини оширишга интилиш тариқасида биз ўзимизни олдимизга Қашқадарё вилоятини Соҳибқирон номли давлат хўжалигидаги жайдари қўйларидан жун ишлаб чиқариш технологиясини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

I. Адабиётлар шарҳи

Қўйчилик хўжаликларида маҳсулот етказиш учун яйловлардан умумий фойдаланиш, озуқа тайёрлаш ва тарқатиш, қўйларни қочириш, қўзилатиш, парвариш этиш, суғориш қирқиш ва барча бошқа ишлар қўлланилади. Бундай ишларни бирдамликда олиб борилиши А.А.Витамин (1977) фикрига кўра яхлит ишлаб чиқариш жараёни технологияси деб юритилади. Бу фикрни таҳлилини амалиёт натижасига кўра шундай хулосага келиш мумкин: қўй маҳсулотини ишлаб чиқишга қўлланиладиган технологик жараёнлар унга катта таъсир кўрсатмоқда.

Қўй маҳсулотини ишлаб чиқарадиган технология, иш унумдорлигига ва ердан умумий фойдаланишга қаратмоқ лозим.

Бизнинг давлатимизни географик ва иқтисодий жойлашишига кўра қўйчиликни қуйидаги боқиш шакллари мавжуд: яйловда; яйловда ярим туроқ, яйловда ва туроқ, яйловда ва лагерда.

М.Н.Лушихин (1964) фикрига кўра бундай сақлаш ёки қўйларни боқиш шакллари – усуллари яйловни бўлишига ва уларда ўсадиган ҳамда озукаларга боғлиқ.

Ўзбекистон ва Қозоғистон жумҳуриятларида асосан қўйларни яйловда боқиш технологик усули жорий этилган, чунки бу республикаларда қўйларни боқиш учун қулай бўлган саҳро, ярим саҳро ва чўл ҳамда ярим чўл яйловлари мавжуд.

Бизнинг республикамызда кўп йиллар ичида ўтказилган ва урчитилган тажриба асосида ҳар бир тур молларни боқиш алоҳида яйловлар тавсия этилган.

К.Д.Диярова (1963) фикрига кўра қўйларни бундай бўлиниб боқилиши хўжаликни шароитига боғлиқдир ва бундай системада асосан Ўрта Осиё республикаларида фойдаланса бўлади.

Яйловлардан фойдаланишда уларда ўсиб чиққан ўсимликни соғлигини ва маҳсулдорлигини албатда ҳисобга олиш керак ва уларни яйловларни доимо алмаштириш керак.

К.Абдималиковни Қирғизистонда ўтказган тажрибасига биноан яйловлар қиш пайтида қўйларни озукланиш фақат 46% қондирган, баҳор ва куздаги яйловлар эса 16%, ёз ойларида эса 63% қондирганлар.

Қўйларни яйловларни чегаралаб ёки бўлиб (загов) боқиш ҳам жуда қадимги замонлардан бери қўйчилар томонидан қўллаб келинмоқда. Ларин И.В. (1956) маълумотларига кўра қўйларни бу шаклда боқиш яхши натижа берган, бунинг асосий сабаби яйловлардаги ўсадиган ўтларни тўлиқ ўтлаши ва яйловлардан фойдаланишидир.

Қўйларнинг маҳсулдорлигига, ўсишига ривожланишига демак яйловлардаги ўсадиган ўсимликлар таъсири ҳам катта ва улардаги ўсимликларни ўсадиган вақтига эътибор берилиши лозимдир.

Ҳаданович (1968) тажрибасига кўра табиий яйловлардан ўтларни 12 ёки 18 кун фойдаланиш мумкин. Бу муддатдан кечикмаслик керак, чунки қўйларни маҳсулдорлигига салбий таъсир этади.

Қишки даврда қўйлар яйловда юрию озукланганидан бошқа озукани қўлдан ҳам бериш тавсия этилади. Кеурова С.И. (1969) маълумотларига биноан қиш фаслида қўлланиладиган яйловлар қўйларни эҳтиёжини фақат 50% қондиради.

Қўйларни маҳсулдорлигига озукланишидан ҳам бошқа омиллар таъсир кўрсатади, масалан қўйларни подаси тузими, класс таркиби, зоти, ёши ва қочириш ҳамда туғиш муддатлари.

Қўйларни туғишни ва маҳсулдорлигини оширишда қочириш усулubi кўзилатиш муддатлари ҳам катта аҳамиятга эга. Адабиёт маълумотлари асосида (Литовченко, Есаулов-1972) қўйларни яйловларда боқиш ва асраш

шароитларида икки хил қочириш ва қўзилатиш қўлланмоқда, эрта қўзилатиш ва кечки қочириш ҳамда қишки ва баҳорги қўзилатиш. Бу усуллардан фойдаланиш хўжаликдаги шароитга боғлиқ. Лекин адабиётдаги маълумотларга қараганда эрта қочириш ва қишки қўзилаш кеч қочиришга ва баҳорда қўзилатишга нисбатан афзалдир.

Қишки қўзилатишни афзалигини Арипов У.Х. (1971) Амиров А.К. ва Эргашев Д. (1972) томонидан олиб борилган тажрибаларда ҳам тасдиқланган. Қўйларни маҳсулдорлигига деярли даражада қўзилашни чўзилиши ҳам таъсир этиши аниқланган. Бундай ишлар А.А.Колесова томонидан Романов қўйлари устида олиб борилган. У ўз тажрибасида қўйларни қисқа муддатда қўзилатишга эришган ва натижада ҳар 100 она совлиқдан 350 қўзи олишга муяссар бўлган, қўзиларни тирик вазни ажратиш пайтида 18-20 кг га етган, гўштга топшириш вақтида 9-10 ойлигида 40-42 кг га етган.

Қўйларни маҳсулдорлигига қўйларни ёши, жинси ва конституцияси ҳам маълум даражада таъсир этганлигига кўп олимлар тажрибаларида ва аҳта қилинган қўчқорлар гўшт ва жун чиқими совлиқларга нисбатан кўп.

Думабли, гўшт-ёғбоп қўйлари барча биологик хусусиятларига эгадирлар ва бошқа зотларга нисбатан тез етиладилар ва тез шишадилар.

У.Х.Арипов (1970) тақлифига кўра қўзиларни онасидан ажратиш вақтида туғилган вақтигача нисбати 564-532 % ни ташкил этар экан.

Яроцкий А.В. ва Осичкин Г.Н. (1963) тажрибаларидан қўйларни гўшт ва жуни маҳсулдорлиги аниқланган. Ёш қўзиларни гавдасини оғирлиги 16-18 килограммни ташкил қилган, катта ёшдаги қўйларни эса 25-30 кг сўйим чиқими 53-55% га еткан.

Жайдари зотига мансуб қўйлар тез семирадилар ва 1 кг семиришига кам озук сарфлайдилар. Бу ҳолатни Ф.Джасимов (1982) тажрибасидан ҳам кўриш мумкин. Тажриба жайдари қўйлари устида ва кун давомида олиб

борилган ва қўйлар 8,5-10,5 кг ўзининг ҳажмини ўзгартиргани аниқланган 1 кг семиришига эса 7-9 кг озуқ бирлиги сарфланган.

Жайдари қўйлари жун маҳсулоти бўйича нотекис дағал жун берадиган қўйларга кирадилар. Барча олимлар (Бакиров А.С., Қаландаров 1982, Абдувахитов Ш., Бутиков, Джасимов, Амиров, Алимжанов Дъягков, Кошевой, Чирвинский тажрибаларига кўра дағал жун берувчи қўйлар шу жумладан жайдари 1,6-2 кг ўртача жун бериш қобилиятига эга. Аммо бу маҳсулот уларнинг ёши ва жинси ҳамда озуқанишига боғлиқ.

Бу йўналишдаги қўйларни жуни кам бўлганлиги учун устида яхшилаш учун жуда кўп тажрибалар олиб борилган (Азаров-1978; Лебель-1952, Бакирь ва Қаландар 1986 ва ҳ.з) лекин бу жуда ҳам жиддий масала.

Масалан М.Ф.Иванов (1940) маълумотларига кўра қўйларни бирон маҳсулотини яхшилаш учун олиб борилган ишни иккинчи маҳсулотга сальбий таъсир этганлиги тасдиқланган.

Г.А.Алиев (1962) маълумтоига кўра думбали қўйларини жунини яхшилаш учун узун қуйруқли қўйлар билан чатиштириш кузатилган.

Жайдари қўйларини яхши сурувлари (Литовченка, Есаулов 1972) Республикамизни Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларига қарашли хўжаликларида урчитилмоқда. Бу хўжаликлардаги совлиқларни тирик вазни 45-60 кг, қўчқорларни эса 60-70 кг, қўзиларни тирик вазни онасидан ажратиш пайтида 30-35 кг ни ташкил этади, жунининг оғирлиги ўртача 2-2,5 кг.

Жайдари қўйларини жуни дағал бўлиб, енгил саноатда газлама, кийгиз, сукно, гилам, валенка ишлаб чиқаришга ишлатилади. Барча олимлар тажрибасига кўра жайдари қўйларидан ўртача 1,6-2 кг жун қирқилади.

Литовченко, Есаулов (1972) ва Юдин Ю.И., Родин В.П., (1983) маълумотларидан 2,5-3 кг ўртача жун олинган.

Тошкент Давлат Аграр Университетини жун лабораториясида 1979-1982-йилларда конституцияга биноан жайдари зоти берилган тажрибалар (Амиров, Хамроқулов, Джасимов) шуни кўрсатадики уларнинг жуни ёши жинси ва конституциясига боғлиқ.

Ҳозирги вақтда жуни қайта ишлаб чиқарадиган саноат дағал жунга бўлган эҳтиёжини қондира олмаяпти, шунинг учун дағал жун етиштириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу масалада Ўзбекистон кўй чувонлари олдида жуда катта вазифалар турибди, дағал жуни сонини 25-30 минг тоннага етказиш ошириш шулардан биридир.

Кўйлардан маҳсулот ишлаб чиқариш технология хўжаликни шароитига боғлиқ асосан уларнинг озуқа базасини барпо этиш. Ўзбекистонда жун етиштириш учун кўйлар асосан икки маротаба лекин баъзи тоғлик зоналарда қирқим бир маротаба ўтказилади. Кузги қирқим сентябрни ўрталаридан бошлаб октабрни биринчи декадасида тугайди, баҳорда эса қирқимни апрелни охириларида бошлаб майни биринчи декадасига тугаллайдилар. Қирқимни кўйларни туллашдан олдин бошлаш керак. Қирқимда қайчи ёки электрмеханик қайчилардан фойдаланилади. Электрмеханик қайчиларда иш унумли 4-5 баробар кўлдагига нисбатан баланд.

Жуннинг ўсиши жуда кўп омилларга боғлиқ Н.И.Харитонов икки гуруҳ кўзиларни устида 100 кун давомида тажриба ўтказган. 1 гуруҳ кўзилар очик ҳавода яйловда юрган иккинчиси эса базада сақланган. Натижада биринчи гуруҳ кўзиларни ўсиши иккинчи гуруҳ кўзиларига нисбатан 7,5-8,5 фоизга баланд бўлганлигини аниқланган.

Кўйларни жун маҳсулотига унинг узунлиги, камчилиги ва кўйларни ёши ижобий таъсир этиши ҳам аниқланган. Бундай ишларни Ризаев Ш.М., Раджабов О. 1973 бошқа олимлар томонидан тасдиқланган.

Бу олимларни тажриба ўтказиш натижаларида қўйларни жуни 4 ёшигача қўпайиши аниқланган, ёши улғайган сари жуни пасайиб кетиши 1,0-1,07 кг ташкил этиши аниқланган.

Зеленский Г.Г. (1971) жуннинг қалинлигини қирқимга таъсирини ўрганиб чиққан, ижобий таъсир этишини тасдиқламаган.

Адабиёт таҳлилини якунидан шу аниқ бўлдиқ қўй маҳсулотларини ишлаб чиқишга жуда қўп технологик тадбирлар ҳамда олимлар таъсир этар экан ва шу омиллар қилиниши ҳамда улардан унумли фойдланиш ва жорий этиш, қўйчиликни рентабеллик даражасини янада юқори кўтариш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Биз фикримизни Соҳибқирон ширкат хўжалигидаги урчитилаё тган жайдари қўйларидан жун олишни ва унинг кўрсаткичларини ўрганишга қаратдик.

II.Шахсий қисм

2.1.Соҳибқирон ширкат хўжалигини ташкил бўлиши, иқлим, об- хаво шароити ва ташкил бўлиши ва иқтисодий тавсифи

Соҳибқирон ширкат хўжалиги илк бор 1980-йилда ташкил топган бўлиб Қизил-Юлдуз номи билан юритилган лекин 2012-йилдан буён унинг номи Соҳибқирон деб юритилмоқда. Бунинг таркибига Совуқбўлак, Жавағи, Тизоп, Каснок каби қишлоқлари киради. Соҳибқирон ширкат хўжалиги Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида жойлашган.

Ширкатимизни марказидан темир йўл станциясигача бўлган масофа 2,5 км ни ташкил этади. Хўжалигимиз ерларидан Ўрта Осиё темир йўли ўтади. Хўжалигимиздан туман марказигача Яккабоғ шаҳригача 3 км вилоят маркази Қарши шаҳригача эса масофа 90 км ташкил этади.

Хўжаликни асосий йўналиши пахтачилик. Хўжалик ташкил бўлган вақтдаги умумий ер майдони 14633 га шу жумладан 362 га ҳайдаладиган ердир, 812 га яйлов, 760 га қўйчилик экинзорлар ва 191 га ҳар хил ерлар. 1996-йилдан бери хўжаликдаги хонадонлар тўлиқ электрлашган.

2012-йилдан бошлаб бизнинг хўжалигимиз Соҳибқирон номини олди ва ундан бошқа хўжаликлар ҳосил бўлиши натижасида ер майдони камайиб қолган. Ҳозирги кунда бизнинг ер майдонимиз 5550 га, шу жумладан 4030 га ер ҳайдалади ва суғорилади, 1500 га ер ерлар кўп йиллик экинлари билан банд, шунинг ичида яйлов, ўрмон ва бошқа хилдаги ерлар ҳам бор, бундан ташқари 150-200 гектар ер хонадонлар ва томорқаларга ажратилган.

Ҳозирги вақтга келиб хўжалигимизда 4 қишлоқ ва қорамол ҳамда қўй фермалари мавжуд. Хўжалигимизни барча қишлоқларида асфалт йўллари ётқизилган ва шу йўллар орқали марказ билан боғланган.

Бизнинг ҳудудимизда 11900 аҳоли яшайди, шу жумладан 3300 киши ишга яроқли, 520 нафақахўр, 1947 мактаб болалари 1947 киши эса боғча

болалари (январь 2012 йилига келиб хўжаликда 7-та ўрта мактаб фаолият кўрсатмоқда). Хўжаликда кўп миллатларни вакиллари яшайди – ўзбеклар 11800 киши, руслар-30, татарлар-22, қирғизлар-30 ва бошқа миллатлар.

Ҳозирги вақтда хўжаликда 250-300 дан зиёт уй-жой 150 километрли водаправод тармоғи хўжаликни маъмурий биноси марказидаги 400 ўринлик клуб меҳмонхона 50 ўринли касалхона, дорихона, ошхона, Ҳаммом ва 4 та болалар боғчаси мавжуд.

Хўжалик тузилишини кўрадиган бўлсак бу қуйидагича хўжаликни бошқарувчи раис ундан сўнг ҳар соҳа бўйича бош мутахассислар ва унинг муовинлари, сўнг бўлимларни бошқарувчилар ва уларнинг соҳа бўйича мутахассислари сўнг бригадирлар. Ҳамма масалани ва маблағни тўғри сарфланишига раис жавобгар шахс деб ҳисобланади.

Хўжаликни тупроғи икки хил:

1. Бўз тупроқ, ер ости сувларини яқинлиги 5-6 метргача бундай тупроқлар асосан тоғ этакларига хос.
2. Қумалоқ тупроқ ер ости сувлари яқинлиги 3-5 метргача.

Хўжалигимиз ерлари қумалоқ-шўр тупроқ бўлиб асосан текисликни ташкил этади ва бу ерларга механизацияда қулай ишлов берилиши мумкин.

Соҳибқирон ширкат хўжалиги худудида баҳор жуда тез келади, мартдан бошлаб апрельда тугайди. Май ойларида об-ҳаво асосан қуруқ ва иссиқ. Иқлим октабрни иккинчи ярмидан бошлаб пасайиб қолади. Январ ойи энг совуқ ой деб ҳисобланади. Бир йиллик ўртача об-ҳавони иссиқлиги 20-25⁰ ташкил этади. Баъзан вақтларда иссиқлик 43-45⁰ кўтарилади. Совуқ пайтларда об-ҳаво -15⁰ совуқ қолади, баъзан совуқлик даражаси 20⁰ га чиқади. Қиш фасли жуда калта 90-100 кун ташкил этади. Ўртача йиллик намдорлик 250-270 мм. Намлик ёмғир ёки қор ҳисобида хўжалик ерларига тушади.

2.2.Хўжаликни истисодий кўрсаткичларини таҳлили

Қишлоқ хўжалигидаги маҳсулот ишлаб чиқарилишида ер асосий восита деб ҳисобланади. Хўжаликда асосий даромад пахтадан тушади. Шунинг учун бу тармоқга катта эътибор берилади, чунки хўжаликни асосий иқтисодий йўналишини белгилайди. Бу экин – яъни пахтага хўжалигимизда 4027 га ер ажратилган. Лекин пахтадан ташқари чорва молларини боқилиши учун озуқабоп экинлар ҳам экилади ва аҳолини барча озуқ-овқатга қондириш учун озуқ-овқатга экинлар ҳам экилади. Масалан 418 га беда, 50 га шоли, картошка, хашаки лавлаги, узум, макка каби экинлар ҳам экилади. Бизнинг хўжалигимизни еридан унумли фойдаланишга унинг маҳсулдорлигини оширишга жуда катта эътибор берилмоқда, шу жумладан ерларда тўғри фойдаланиш ҳам долзарб масаладир. Ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотни 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал-1

Соҳибқирон ширкат хўжалигини ер майдони ва унинг таркиби

Тупроқ турлари	2013-йил	
	Ер ҳажми га	Жами ерга нисбатан %
Жами ер майдони	5550	100
Қишлоқ хўжалик ерлари	4030	72,7
Шу жумладан ҳайдаладиган	4030	72,7
Шундай маданий яйловлар	812	14,6
Ўрмонзорлар	20	0,3
Ишчи ходимлар аҳоли хонадонлари ва томорқалари	200	4,0
Ҳар хил қишлоқ хўжалик ерлари	489	8,9

Жадвалдаги маълумотга кўра жами ерни 72,7 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилмоқда, 8,9 фоиз ер эса ҳар хил ерлардан иборат.

Бизда ерлардан унумли фойдаланиш нафақат 1-жадвалдаги кўрсаткичлар билан ифодаланган, улардан олинадиган маҳсулотларни ҳам билиш лозим. Шу тўғрисидаги маълумотларни 2-жадвалда кўриш мумкин.

Жадвал-2

Экиладиган ер майдони ва унинг таркиби

Экинлар	2012		2013	
	майдони	%	майдони	%
Экин майдони-жами	4051	100	4030	56,9
1.Пахта майдони жами	2369	58,5	2292	30,9
Ғалла майдони	1209	29,7	1249	1,2
Сабзавот	50	1,1	50	0,2
Картошка	10	0,20	12	0,3
Озуқа боп ўрмон узумзорлар – жами	418	10,3	418	10,5
Шундан макка силос учун	50	11,9	76	18,2
Хашаки лавлаги	15	3,6	15	3,5
Қўйчилик ўтлар – жами	353	84,5	327	78,3
Пичан учун	130	36,8	130	39,7
Кўкат учун	223	63,2	172	52,6
Бир йиллик ўтлар	-	-	25	7,7

2013-йилда 2012-йилгига нисбатан экиладиган майдон 21 га камайиб қолган, бунинг сабаби аҳолига томорқа ажратиб берилишидир. Бошқа экин далалари бўйича ҳеч қандай ўзгаришлар рўй бермаган, кўк ўт экиладиган майдон камайиб қолганини айтиб ўтиш лозим.

Хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни товар даражасини 3-жадвалда келтирганмиз.

Хўжаликдаги товар маҳсулотини етказилиши ва унинг таркиби.

Маҳсулот тури	2012-йил		2013-йил	
	Жами минг сўм	%	Жами минг сўм	%
Ялпи маҳсулоти – ажми	10588	100	18739	100
Ўсимлик маҳсулотлари жами	9180	87,7	16303	88,8
Сабзавотчиликдаги	-	-	20	0,01
Картошкадан	-	-	-	-
Чорва маҳсулотларидан	912	8,60	1091	5,6
Қорамолдан	512	47,6	712	56,0
Сутдан	521	48,5	517	40,6
қўйдан	40,5	3,7	41	3,0

2012-йили 10588 минг сўмга товар маҳсулот ишлаб чиқилган. 2013-йилда эса бунинг дарадаси 18739 минг сўмга етказилди. 2013-йилда товар маҳсулот ишлаб чиқиши 2012-йилга нисбатан абсолют жиҳатидан кўп бўлсада нисбий ҳисобда кўп фарқ қилмайди.

Ялпи маҳсулот ҳам катта, энг кўп маҳсулот қорамолчилик тармоғидан ишлаб чиқарилган – яъни улардан олинган товар маҳсулоти жуда салмоқли экан.

Бизнинг хўжалигимизда чорвачилик тармоғи катта ва етакчи тармоқ деб ҳисобланади. Шунинг учун биз бу тармоққа ўзимизни назаримизни қаратдик. Чорвачилик бўйича олинган маълумотларни 4-жадвалда келтирганмиз.

Моллар тури	Ўлчов бирлиги	2012-йил			2013-йил		
		режа	ҳақиқий	Бажарилиши %	режа	ҳақиқий	Бажарилиши %
Қорамоллар – жами	бош	1560	1752	112,3	1600	1780	111,25
Шундай сигир сони	бош	450	440	97,7	450	445	98,8
Қўйлар – жами	бош	1300	1254	96,	1400	1390	99,3
Шундан совлиқлар	бош	600	600	100	610	610	100
Йилқи сони	бош	13	12	92,3	13	13	100
Шундан ишчи отлар	бош	-	-	-	-	-	-

Қорамол бош сони 2012 ва 2013-йиллари ошиғи билан бажарилган, лекин сигирлар сони 2012 ва 2013-йилларда 2,3 ва 1,2 фоизга бажарилмай қолган. 2012 ва 2013-йилдаги режалардаги қўй сони бажарилмай қолган; 2012-йили 46 бошга ёки 3,6 фоизга, 2013-йили эса 10 бошга ёки 0,7 фоизга, совлиқлар бўйича режа тўлдирилган.

Хўжаликдаги йилқи сони бир текис ва ишчи отлар йўқ. 2013-йилги чорва туёғи бўйича хўжалик 2012-йилга нисбатан яхши кўрсаткичларга эга бўлган ёки 2013-йилдаги кўрсаткичлар 2012-йилга нисбатан анча кўп эканлиги аниқланди. Шундай бўлиши улардан олинган маҳсулотига ҳам таъсир эткан.

Соҳибқирон хўжалигида сўнги икки йил давомидаги чорвадан олинган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни 5-жадвалда келтирганмиз.

Чорва молларини маҳсулдорлиги ва маҳсулот тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012-йил			2013-йил		
		режа	ҳақиқий	Бажарилиши %	режа	ҳақиқий	Бажарилиши %
Ҳар бир бош сигирдан олинган сут маҳсулоти	кг	800	889	103,2	800	887	103,1
Бир суткалик семириши							
Қорамол	г	388	355	91,5	388	355	91,5
Қўй	г	80	75	93,7	80	80	100
Ҳар бир бош қўйдан ўртача олинган жун	кг	2,1	1,9	94,8	2,1	1,9	94,8
Олинган тул							
Бузоқ	бош	435	435	100	498	491	98,5
Қўзи	бош	663	612	91,2	735	686	93,3
Маҳсулот ишлаб чиқии							
Сут	тон	130	130	100	138	138	100
Гўшт	тон	190	210	110,5	186	186	100
Жун	тон	2,7	2,5	90,2	2,7	2,6	90,6
Маҳсулот сотиш							
Сут	тон	121	121	200	125	125	100
Гўшт	тон	178	178	100	178	178	100
Жун	тон	2,7	2,5	90,2	2,7	2,6	90,6

Жадвалдаги маълумотларга биноан хўжалигимиз 2012-йил ва 2013-йилларда ҳар сигирдан олинадиган сут даражаси ошиғи билан бажарган 13,2-13,1%. Бир суткалик семириши бўйича режа – бажарилмаган, жами қўйлар бўйича бу режа 2013-йилда бажарилган.

Тул олиш бўйича (бузоқ-қўзи) ҳам хўжалик икки йил давомида режага етолмай қолган. Чорва маҳсулот ишлаб чиқиши ва сотиши бўйича фақат жундан режа бажарилмай қолган, бошқа кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

Хўжалигимизда чорва маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун деярли даражада ишчи кучи сарфланган ва бунинг учун иш ҳақи тўланган. Бу тўғрисидаги маълумотларни 6-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-6

Хўжаликда меҳнатга ҳақ тўланиши ва иш унумдорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012-йил	2013-йил
Иш ҳақи тўлаш фонди	Минг сўм	7090	15076
Хўжалик бўйича бир ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот	Сўм	7255	7332
1 центнер сут олиш учун сарфланган ишчи кучи	одам соатига	2,2	2,5
1 центнер привес олиш учун сарфланган ишчи кучи	-	6,5	6,0
1 центнер жун етказишга сарфланган ишчи кучи	-	19,5	19,0

2012-йил чорвачилик тармоғидан ишчиларга ҳақ тўлаш фонди 7090 минг сўмни ташкил этган. 2013-йилда эса 15076 минг сўмни ташкил этди.

Ҳар бир ишчи ҳисобига 2013-йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот 2012-йилга нисбатан 77 сўмга кўп бўлган. Қолган кўрсаткичлар бўйича йиллар орасида фарқ йўқлиги аниқланди.

Хўжалигимизда етказилган чорва маҳсулотларни таннарҳини ҳам ўргандик ва улар ҳақидаги маълумотни 7-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-7

Чорва маҳсулотларини таннарҳи (1 центнер ҳисобига)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013-йил		
		режа	ҳақиқий	Режага нисбатан ±
Сут	сўм	6677,37	7724,48	+1047,1
Қорамолни суткалик ўсиши	сўм	1543,29	1509,41	-33,88
Қўйларни суткалик ўсиши	сўм	1160,0	1156,1	-3,90
Жун	сўм	8940	8976	+36

Сут бўйича мўлжалланган таннарх 6677,32 сўм бўлиши лозим, лекин 1 центнер сутни ҳақиқий таннарҳини 772,48 сўмга еткан, демак режага нисбатан 1047,11 сўмга кўтарилган, бундай ҳолат жун бўйича ҳам кузатилган режага нисбатан ҳақиқий таннарҳи 36 сўмга баланд бўлган. Қорамол ва қўйлар суткалик ўсиши бўйича режага нисбатан кам маблағ сарфланган, қорамоллар бўйича 33,88 сўм, қўйлар бўйича 3,9 сўм.

Сўнги икки йиллардаги маҳсулот чиқим рентабеллик даражасини ҳам аниқладик. Хўжалик бўйича олинган маҳсулотларни 8-жадвалда кўриш мумкин.

Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқилишини рентабеллик даражаси
тўғрисидаги маълумот

Кўрсаткичлар	2012-йил		2013-йил	
	Жами минг сўм	%	Жами минг сўм	%
Ялпи даромад	12314	100	27294	100
Шундан: ўсимликлардан	10342	83,9	23751	87,0
Чорвачиликдан	1972	16,1	3543	13,0
Соф даромад	2060	-	5000	-
Рентабеллик даражаси %	-	24	-	24

2013-йили хўжалик 27294 минг сўм ялпи даромад қилган. Шундан 87% ўсимлик етказган 13 фоизини эса чорвачилик етказган 2012-йилдаги даромад 12314 минг сўмни ташкил этган. Шунинг 83,9 фоизи ўсимликдан ва 16,1 фоизи чорвачилик тармоғлари етказган.

Ялпи даромад 2013-йили 2012-йилига нисбатан кўп бўлишига қарамасдан шу икки йил рентабеллик даражаси бир ҳил экан, ёки 24% ни ташкил этди.

Келтирилган маълумотлардан шундай хулосага келганмиз: бизнинг хўжалигимизни йўналиши пахтачилик ва йириклиги бўйича ўртача хўжаликка киради. Тармоғи ҳам вилоятдан бошқа хўжаликлардан нисбатан ривожланган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш.

Соҳибқирон чорвачилик фермасида меҳнатни ташкил этиш Соҳибқирон фермер хўжалигида қўйчилик фермасида меҳнат муҳофазасини ташкил бўлиши ва ундаги қўрилган чора-тадбирлар амалга ошишини фермер хўжалигини бошқарувчиси томонидан чиқарилган буйруқ, қарор ва кўргазмалари бўйича ишчи тайинланган ва барча ишларга жавоб беради.

Бу хўжаликни бошқарувчиси ва маъсул ходими ишлаб чиқариш гигиенаси ва ёнғинга қарши ишларини назорат қилиб туради.

Хўжалигимиздаги касаба уюшмаси унинг маъсули билан меҳнат муҳофазаси тўғрисида шартнома тузилган. Бу шартномада икки томонларнинг мажбуриятлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун маблағ ажратилади ва унинг миқдориларига қараб ишлар ташкил этилади.

2010-2011, 2012 ва 2013-йилларда фермер хўжалигидаги ишчиларни меҳнат унумдорлигини сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш учун маъмурият томонидан ҳар йили бу маблағни миқдори қилинадиган ишларга кўра 200-400 минг сўмни ташкил этган. Лекин 2012-йилдан бошлаб бу маблағни миқдори уч баробарга кўпайган.

Қўйчилик фермасидаги ишчиларни бахтсиз ходисалардан сақланиши учун барча ишлар амалга оширилган.

Электр шитлари чуқурлар, жарлар, қудуқлар, кўприклар атрофи тўлиқ тўзилган. Бундай ишлар яна тракторларни трансмиссияси валларида ва занжирик ҳамда реминлик ишга келтирилган жойларида ҳам ташкил этилган.

Соҳибқирон хўжалигимизда ишчиларни ишлашини унумдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш борасида барча чора-тадбирлар амалга оширилган.

Фермани ичида техника хавфсизлиги кабинети ташкил этилган ва техника хавфсизлиги бўйича кўчма кўргазма ва кўргазмали қуроллар мавжуд бўлиб ишчиларга кўрсатилади.

Фермер хўжалигини меҳнаткашлар учун техника хавфсизлиги бўйича ўқитиш курси ташкил этилган ва бунда хўжаликда истиқомат қилаётган ва кўзга кўринган барча тажрибали ишчилар ҳамда маъсуллар суҳбат ўтказадилар.

Кўп қўл кучини талаб этадиган ишлаб чиқариш технологик жараёнлари меҳанизациялаштирилган, ёнғинга қарши махсус жой ажратилиб зарурий анжомлар билан таъминланганлар, ишчилар учун махсус дам олиш ва ишлаши тўғрисида режа тузилган. Ишлайдиган жойларда қўйилган молхоналарда эса тортқич мўрилари (вытежой труба) ёки махсус винтеляторлар билан таъминланган.

Хўжаликда барча ишлар ички хўжалик иш жадвали асосида олиб борилади. Бу иш жадвалдаги режалар ҳамда бошқа кўрсаткичлар хўжалик маъмурияти томонидан тасдиқланган ва ишчилар унга риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатади. Бу режада ишчиларни тўғри ва унумли дам олишига ҳамда хавфсиз ишлашига жуда катта эътибор берилган.

Соҳибқирон хўжалигини чорвачилик фермасида қўйчивонларини дам олиши учун махсус хона ажратилган бўлиб телевизор ва радио мавжуд баъзан вақтларда иссиқ овқат билан ҳам таъминланади, бундай ҳоллар ишлаб чиқаришдаги баъзан масалаларга боғлиқ. Хўжалигимиздаги болалар боғчаси ва касалхона фермамизда ишлаб чиқарилаётган сут билан тўлиқ таъминланади.

Хўжаликдаги ҳамма ишчилар учун махсус карточкалар хужжатлар юритилади. Бу карточкаларга ишчини махсус кийим-кечак билан таъминланиши ва эҳтиёжи шарти ёки ишлаб чиқаришга ва фаолият кўрсатишда зарур бўлади. Қачон ва қанча муддатгача берилганлиги тўлиқ ёзилади. Буларни берилиши ва таъминланишини назорат этиш касаба уюшмаси зиммасига юклатилган.

Қўй ва эчки билан ишлайдиган ишчиларни ҳаммаси турли касалликлардан ҳоли бўлиши ва ўзига шифокор томонидан қўйилган текшириш натижаларни билиш лозим, булардан бошқа ҳамма ишчилар ишга киришдан олдин инструктаждан ўтказилади. Бу инструктаж икки қисмдан иборат ва иш жойида бўлиб у тўғрисида маълумот махсус китобга қайд этилади ва имзоланади.

Чўмилтирадиган мосламалар билн ишлашга 18 ёшдан паст бўлган ёки ёш бўлган кишилар қўйилмайди.

Ҳайвонлар билан ишлаш вақтида ишчилар ўз ишлайдиган жойларини тоза тутишлари ва ўзининг гигиенасини сақламоғи керак, бундан бошқа ҳайвонлар турадиган жойлар ва анжомлари ҳам тоза тутилиши лозим, махсус кийимларни ифлосланишига қараб ўз вақтида алмаштириш, овқатланишда махсус кийимни ечиши ва қўлларини иссиқ сув ва совун билан ювишлари тавсия этилади. Бу ҳолатларга риоя этмаган ишчилар турли касалликларга чалиниши мумкин ва иш ҳолатини йўқотади унда махсулот ишлаб чиқариши ҳам камайиб кетади, шунинг учун буларнинг амалга ошишишин доимо назорат қилиш керак.

Қўйларни яйловда от миниб боқишдан олдин отни яхшилаб эгарлайдилар ва отга узанги солиб уни тинч ҳолатга келтириб кейин эгарга ўтириш мумкинлигини унутмаслиги керак. Жунни пресс қилиб чиқарадиганлар шу пресс аппаратини ҳамма болт ва гайкаларини тортилишини шлангларини бутунлиги, унинг бир текис ишлашини текшириб кейин, уни ишлатилиш мумкин деб ишонч ҳосил этгандан сўнг ишга киришилади. Молларни суғориш вақтида жуда эҳтиёт бўлиш керак уларни ариқча ёки қудуқларга тушиб кетмаслигини таъминлаш шарт. Қўй сурувлари махсус жойлардан ҳайдаб ўтказилишида гуруҳларга бўлиниши лозим ҳар гуруҳда маълум бир бош сони бўлиши зарур кечқурун яйловда ҳайдаб боқиладиган ҳайвонларни йўлга чиқиб кетмаслигини таъминлаш учун иккита одам жавобгар бўлиши лозим.

Қўйларни жунини махсус жиҳозланган қирқиш жойларида ўтказиш керак, қирқимчилар махсус шитлар ёки резинадан тайёрланган гиламчалар устида туришлари зарур. Қўйларни жунини қирқадиган электр қайчини ўчириш ёки ишини ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмаслигини таъминлаш лозим. Қайчи стилажга қўйилган ёки осилган бўлса уни ишлатиш мумкин эмаслигини яхши билмоқ лозим. Қайчиларни автовостиларга юкланишда кўтариб турадиган кран олдида, ёнида , ёки остида туриш турли ҳодисилар юз бериши мумкин. Кучли ёки – кислоталар тайёрлашда шахсий этиш зарур. Ҳайвонларни баъзи ҳолларда ташиши учун телешкалар ишлатилади уларни олдида ёки орқасида туриш ва юрган ҳолда молларни бўшатиб юбориш мумкин эмас, бу ишларни фақат телешка тўлиқ тўхтатилганда махсус сигнал берилган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Фермани ва молларни албатда ёнғиндан сақлаш керак агар ёнғин содир бўлса, унда тезда ёнғин ўчириш командасига хабар берилади. Ҳайвонларни ёнғиндан сақлаш, махсулдорлигини ошириш, етарли даражада сифатли озуқа ишлаб чиқариш чорвадорларнинг асосий вазифасидир. Шунинг учун уларга ветеринария ва гигиена томонидан барча чора-тадбирлар ўтказилиши зарур бўлган асбоб-ускуналар ҳамда дорилар билан таъминланиши керак ва фермани санитар гигиена ҳолатини сақлаб туриш тавсия этилади.

Бизнинг жамоа хўжалигимизда барча ишлар амалга ошган ва кўп йиллардан буён фермаларимизни ветеринария, санитария гигиена ҳолати қониқарли, ҳеч қандай инфекцион касалликлар йўқ яъни биз булардан тўлиқ холисмиз, ҳамда хўжалигимиз бўйича ҳеч қандай баҳтсиз ҳодиса юз бергани йўқ. Лекин ҳаммаси жойида деб бўлмайди ҳам. Қилинадиган ишлар жуда кўп, шундай ишларни амалга ошириш кўзга тутиш керакки ишчилар ишга келишда ўзимизники деб ҳис этадилар. Хуш муомалада бўлсинлар, бу ҳолатда махсулот ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади.

IV.Хусусий қисм

4.1.Тадқиқотни мақсади, вазифалари, манбаси ва қўлланилган услублар.

Жун сифатини яхшилаш ва кўпайтириш ҳар томонлама қўйлар зотининг яхшиланишига ва жун етиштириш технологиясига боғлиқдир.

Ҳозирги кунда жунни қайта ишловчи саноатнинг, дағал жунга бўлган талаб катта бўлиб, тайёрланган жуннинг ассортиментиға, ҳолатига ва сифатига қараб қабул қилади. Шунинг учун бу кўрсаткичларни ўрганиб чиқиш ва ундаги камчиликларга йўл қўймаслиги учун давлатга сифатли дағал жун етказиш зарур.


Бизни ишмизни асосий мақсади Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида жойлашган Соҳибқирон хўжалигида жайдари қўйларидан етказилаётган жун технологияси ҳамда унинг ҳолатини ўрганиб чиқишга қаратдик.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширдик:

1. Қўйларни қирқимга тайёрлаш ва уни ўтказиш.
2. Қирқим режасини ишлаб чиқиш.
3. Қирқилган жуннинг миқдорини ва сифатини аниқлаш.
4. Жунни сотишни ўрганиш.
5. Жунни ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш.

Белгиланган иш Қашқадарё вилоятини Яккабоғ тумани жойлашган Соҳибқирон фермер хўжалигида урчитилаётган жайдари қўйларини устида олиб бу ишни таҳлил қилиб бориш мураккаб бўлганлиги учун бир канча қийинчиликларга дуч келдик. Изланишлар 9-жадвалда кўрсатилган режага биноан олиб борилди.

Ишни олиб бориш режаси



1. Қирмимга тайёрланиш ва қирқим хонаси
2. Қирқим муддатларини белгилаш
3. Қирқим жадвали ишлаб чиқиш
4. Қирқимни ташкил этиш ва ўтказиш

Қирқим натижаларини аниқлаш

1. Жуннинг миқдори ва узунлиги
2. Жун табақаланиши ва сифатини аниқлаш
3. Жунни давлатга топшириш
4. Жун етштириш исқтисодий самарадорлиги таҳлил қилиш.

Қўйларни жунини қирқиш энг муҳим тадбир бўлиб ҳисобланади, шу сабабли уни ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши зарур. Қўйларни қирқимини қирқим хоналарда олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Хўжалигимиз шароитида маҳсус қурилган қирқим хонаси йўқ, шу туфайли қирқимни қишлоқ базасида ўтказдилар. Бу базанинг талабга жавоб берилиши ва жиҳозланишини бизлар кўзда кўриб чиқдик ва ҳолатини белгиладик. Бу база яйловда жойлашган бўлиб асосан учта хона мавжуд, қўйларни камаш, қирқишга ва жунини сақлаш хоналарига бўлинган. Қирқим хонаси эса -12 машинкалар билан жиҳозланган.

Қирқим Ўзбекистонда урчитилаётган қўйлар бўйича асосан икки муддатда олиб борилади – баҳорда ва кузда уларнинг қўйларни қирқимга тайёрлигини жун қопламларини кўзда кўриш натижасида аниқладик ва аниқ кунларини белгилаб қирқимга қўйдик.

Қирқим режасини тузишда биз хўжалигимиз қўйларни жинси ва ёши бўйича гуруҳларини ўрганиб чиқдик, биринчи галда режада чўмилиши сўнг бир сутка ўтгандан кейин қирқишга қўйилишини амалга оширдик. Қирқимни албатта насли паст қўйлардан бошладик, қирқимдан олдин қўйларни соғломлигини ҳам аниқладик касал қўйлар йўқ эди. Қирқимни ўтказишдан олдин бутун асбоб ускуналар қирқим хонасига етказилиб келтирилди. Қирқимни биз асосан хўжалик маъмурияти томонидан белгиланган кун тартибига биноан ўтказдик.

Тажриба учун ажратилган қўйларни қирқиб олинган жунларининг миқдори тарозида тортиш натижасида, жуннинг узунлигини линейкада ўчлаш йўли орқали аниқладик, бунинг учун қирқилган жунларнинг толасини линейкани устида шкаласи бўйича тўғрилаб ўлчадик.

Қирқиб олинган жунларни сифатини, сортини давлатга сотишини белгиланган ГОСТ 7939-79 андозасига биноан олиб борилди. Жуннинг ишлаб чиқиш иқтисодий самарадорлигини хўжаликдаги маҳсулотини сотиш калькуляциясига биноан аниқладик.

4.2. Тадқиқот натижалари

4.2.1. Қўйларни жунини қирқиш

Жун қирқиш энг муҳим тадбирлардан биридир. Жуннинг сифати ва миқдори ушбу тадбирни ўз вақтида жадал ва тўғри ўтказилишига боғлиқ. Тайёргарлигимиз қирқимни бошлаш жун сифатини пасайишига ва миқдорини камайишига олиб келиши билан бирга таннарҳини оширади.

Шунинг учун хўжаликдаги қўйларни жунини қирқиш технологиясини аниқладик.

Шу муҳим тадбирни ўтказилиши учун қирқим хоналарни, ташкиллаштириши ва уларни қирқимга зарур бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлигини ўрганишдан бошладик.

Шунга биноан қирқимни қўйларни қишда қишлайдиган ва кўзилайдиган базасида ўтказар экан. Қирқимдан бир ой олдин шу базани таҳлаб қўйилган ва шу қўйхона тахта билан уч қисмга ажратилган. Бу бўйича қирқимга киритилган қўйлар, бир бўлагида қирқим олиб борилади ва бир бўлагида эса жун табақалайдиган ва сақлайдиган хоналари мавжуд. қўйларни қирқадиган хонани тахтадан фойдалиниб сўри тайёрланган ва шу жойга қирқимда ишлатиладиган қирқим агрегатлари ўрнатилади. Агрегат маркаси эса ЭСЛ-12.

Қирқимни бошлашдан олдин қўйларни чўмилиши ва қирқимга кириш режаси зоотехник томонидан ишлаб чиқилган ва шундаги кўрсатилган тадбирларга тўла амал қилинган. Қирқим режасига кўра қўйлар қирқимга бир сутка олдин чўмилиш учун махсус ванналар ташкил қилиниб сувга тўлдирилган ва профилактика ишларини амалга ошириш учун сувни таркибига криалин қўшилган. Қўйлар хўжалигимизни шароитида икки маротаба, яъни икки муддатда қирқилади, биринчиси баҳорда, иккинчиси эса кузда. Баҳорги қирқим 20-апрелдан 1-майгача давом этади. Қўйларни қирқимга етилишини биз уларнинг жун кўтарилиганига эътибор бердик ва

биринчи ҳолда насли паст бўлган қўйлардан бошладик. Қирқим ўтиши қўйидаги тузилган кун тартибига биноан олиб борилди. (10-жадвалда)

Жадвал-10

Хўжаликдаги жайдари қўйларни қирқимини ташкиллаштириш ва ўтказилиши юзасидан ишлаб чиқилган кун тартиби

Чўпонларни исми шарифи	Қирқимга кириш тартиби	Сурув номлари	Иш тартиби				
			Эрталаб қирқим	Нонушта	Обеддаги қирқим	Дам олиш	Куннинг иккинчи ярмидаги қирқим
Маханов Ш.	1	2	8 ⁰⁰ -10 ⁰⁰	10 ⁰⁰ -10 ³⁰	10 ³⁰ -14 ⁰⁰	14 ⁰⁰ -15 ⁰⁰	15 ⁰⁰ -17 ⁰⁰
Маханов Ш.	2	1	8 ⁰⁰ -10 ⁰⁰	10 ⁰⁰ -10 ³⁰	10 ³⁰ -14 ⁰⁰	14 ⁰⁰ -15 ⁰⁰	15 ⁰⁰ -17 ⁰⁰
Маханов Ш.	3	3	8 ⁰⁰ -10 ⁰⁰	10 ⁰⁰ -10 ³⁰	10 ³⁰ -14 ⁰⁰	14 ⁰⁰ -15 ⁰⁰	15 ⁰⁰ -17 ⁰⁰

Биринчи бўлиб насли паст ахталанган қўчқорлар киритилган ва ҳар кунига битта сурув тўлиқ қирқимдан чиқарилишига ҳаракат қилинган, аммо бундан натижага эриша олмаган бунинг асосий сабаби қирқимчиларни сони кам бўлиб улар қирқимгача ўргатилмаган ва синовдан ўтказлмаган, ҳамда барча ёрдамчи ишчилар сони ҳам кам бўлган. Айрим қирқимчилар ўзлари ушлаб келган ва шунга анча вақт сарфлаган. Қирқим умумий ўтмаган ҳар қирқимчи, бир кунда ўртача ҳисобда 30-40 та қўй қирқиб олишга эришган. Бундан ташқари қўйларни қирқадиган агрегатларни қайчилари жуда эскириб қолган ва чархланишга кўп вақт кетган. Қирқимни кузатиш вақтида нафақат қирқимни ўтказилишини технологиясини бузилганлигини балки жуни нотўғри қирқилганини ҳам аниқладик ва бундай камчиликларни олдини олишга ҳаракат қилдик, аммо жунлар ранги бўйича барибир аралаштириб қолинди лекин сортлаш вақтида ажратишга муяссар бўлдик. Қирқим ишини тузиш ва уни ўтказишни назорат қилиш бўйича маъмурият унчалик эътибор бермаётганлигини ҳам аниқладик, бунинг асосий сабаби қирқимни

ташкіллаштириш ва ўтказиш режасини тасдиқланганини биз кўрмадик. Бу ҳолатлар, жун етиштириш технологиясини бузилишига ва албатда жун етишиштиришга ва сифатига салбий таъсир кўрсатган. Қирқим тамом бўлгач қирқимчилар қирқиб олган жунларни қопларга солиб тарозидан ўтказиб қирқиб олган жунларини миқдорини аниқлаган, омборларга топшириш ишлаган жойларини тозалаб иш кунини якунлашади. Бундай ҳолат қирқим давомида ҳар куни қайтарилади.

4.2.2. Жун ишлаб чиқариш натижаларини таърифи. Жуннинг узунлиги ва миқдори

Хўжалигимизда урчитилаётган жайдари қўйларини қирқимида юз берган камчиликларни олдини олиб бизлар шу қўйлардан жун олиш натижасига ҳам алоҳида эътибор бердик.

Бу қўйлардан олинган жунлар ранги бўйича ажратилди. Жуннинг миқдори деярли даражада унинг узунлигига боғлиқ, шунинг учун баҳорда ва куздаги қирқим пайтидаш қўйларни жунини узунлигини ҳам аниқладик ва улар ҳақидаги маълумотларни 11-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-11

Соҳибқирон фермер хўжалигидаги жайдари қўйларни жуннинг узунлиги

Қўйлар гуруҳлари	Баҳорда		Кузда	
	Ўнг биқинида	белида	Ўнг биқинида	белида
Қўчқорлар	13	12	11	9
Совлиқлар	11	10	9	8
Аҳталанган қўчқорлар	10	9	9	8
2-ёшга етмаган қўчқорлар	11	10	9	9
2-ёшга етмаган тўқликлар	9	8	7	7
1-ёшга етмаган қўчқорлар	-	-	8,7	7,5
1-ёшга етмаган урғочи қўзилар	-	-	8,5	7,2

Жадвалдиги маълумотлар бўйича энг узун жун қўчқорларни жуни эканлиги кўриниб турибди. Баҳорги жун кузгисига нисбатан узун. Бунинг асосий сабаби бизнинг фикримизга кўра уларнинг ўсиш муддати таъсир этган. Баҳорги жуннинг ўсиш муддати октабрдан то апрелгача давом этган яъни 7-ойга тўғри келади, аммо кузги жуннинг ўсиши фақат 4-4,5 ойни ташкил этган.

Жуннинг узунлигига қўйларни ёши ва жинси ҳам ижобий таъсир этган. Барча ёшдаги қўчқорларни жуни совлиқларни жунига нисбатан анча узун.

Жунларнинг узунлиги қўйлардан қирқилган жун миқдorigа ижобий таъсир қилади. Жун қирқим миқдори тўғрисида маълумотни 12-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-12

Соҳибқирон фермер хўжалигида жун етказиш миқдори

Қўйлар гуруҳи	Бош сони	2013-йил					
		баҳорда		кузда		Жами	
		1 бошга	Жами кг	1 бошга	Жами кг	1 бошга	Жами кг
Қўчқорлар	20	1,4	28,0	1,3	26,0	2,7	54,0
Совлиқлар	450	1,2	540,0	1,1	495,0	2,3	1035,0
Аҳталанган қўчқорлар	170	1,1	187,0	1,0	170,0	2,1	357,0
2 ёшга етмаган қўчқорлар	50	1,2	60,0	1,2	60,0	2,4	120,0
2 ёшга етмаган совлиқлар	150	1,1	165,0	0,9	135,0	2,0	300,0
1 ёшга етмаган қўчқорлар	60	-	-	1,2	72,0	1,2	72,0
1 ёшга етмаган қўчқорлар	100	-	-	1,1	110,0	1,1	110,0
Жами:	1000	1,2	980,0	1,07	1068,0	2,05	2048,0

Жадвалдаги маълумотдан кўринадикки хўжаликда баҳорда ҳар бир бош қўчқорлардан 1,4 кг, совлиқлардан 1,2 кг, аҳталанган қўчқорлардан 1,1 кг, 2-ёшга етмаган қўчқорлардан 1,2 кг ва урғочи қўйлардан эса 1,1 кг жун қирқилган, ҳар бир қўй бошига ўрта ҳисобда 1,2 кг баҳорги жун олинган. Жами бўлиб баҳорда 980 кг жун қирқилган.

Куздаги кўрсаткичлар баҳордагига нисбатна паст бўлган. Қўчқорлар 1,3 кг совлиқ 1,1 кг, ахталанган қўчқорлардан 1,0 кг, 2-ёшга етмаган қўчқорлардан 1,2 кг, тўқлилардан 0,9 кг ва қўзилардан кузда 1,2 кг ва 1,1 кг поярка жуни олинган. Кузда 1068 кг жун ишлаб чиқарилган.

Ҳар қўйдан бир йилга ўрта ҳисобда 2,5 кг жун қирқилган ва бир йилда хўжалик бўйича 2048 кг жун ишлаб чиқарилган. Жунларни тури турли тусга мансубдир.

4.2.3. Жуннинг сифатини белгилаш

Қирқиб олинган жун белгиланган ГОСТ 7939-79 давлат андозаси бўйича техник хусусиятларига биноан ёки узунлигига, тусига қўйларни наслига ва ёшига қараб синфларга ажратилди. Жунни табақалаш катта маъсулиятли ишдир. Хўжаликда бу ишни ўтказишда сўнги йиллари кам эътибор берилиб келинганлиги аниқ бўлди. Чунки хўжалик бу ишни туман жун тайёрлаш идорасида олиб бориб унда сортларга ёки синфларга ажратган. Бунинг натижасида хўжаликда етказилган жуннинг сифати паст бўлган ва харид баҳоси ҳам пасайиб қолган. Биринчи катталардан қирқиб олинган жун маҳсус столга ёйиб қўйилди бунда жунлар чанг ва бошқа тез ажралувчи ифлосликлардан тозаланади.

Жунни классланишини ўтказиш учун қирқимчилардан қўйларни турли тана жунларини ёки дум қисмини алоҳида қирқишни ва у жунларни умумий жунга қўшмасликни талаб қидик. Шу ишларни амалга оширишда яхши натижаларга эришилди ва жунни табақаланишни ўтказишга ёрдам берди. Жунни класслаш натижасини 13-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-13

Хўжаликдаги ишлаб чиқарилган жуннинг табақаланиши

Жун тури	Жуннинг туси	Жуннинг ҳолати	Класс даражаси	Жуннинг миқдори кг	Жун толасинин тоза чиқими %
Баҳорги дағал жун (жайдари)	Оқ	нормал	1	400	72
	Оқ	нормал	2	130	70
	Оқ рангли	Шилтоқи нормал	1	240,0	72
	Рангли	нормал	2	110	70
	рангли	шалтоқи		30	60
Жами				980	

баҳорги					
кузги	Оқ	1 гр ифлос	Классларга	980	74
дағал жун	Оқ	Поярка		450	76
(жайдари)	Оқ рангли	Шалтоқи 1 гр ифлос	ажратилмади	303	72
	Рангли				
	Поярка	1 гр ифлос		80	72
	рангли	шалтоқи		95	60
Жами кузги				1068	
Жами хўжалик бўйича бир йилда				2048	

Баҳорда хўжаликда қирқиб олинган жун 980 кг ни ташкил этган. Шунини 600 кг оқ рангли жунга киритилган ўртача жуни танасини чиқимини 70-72 % 380 кг ҳар хил ранга мансуб жуннинг 640 кг, 72 %, 240 кг-72% ва 100 кг 60 % ли тоза жун бўлган. Олинган жуннинг фақат 640 кг 1 класс, қолган 240 кг ҳаммасини 2 классга киритилган, баҳорда яна 100 кг шалтоқ жун олинган бу жун классга ажратилмаган, аммо чиқими 60% ни ташкил этган.

Кузги қирқимда 1068 кг жун олинган шу жуннинг 833 кг оқ жун, 80 кг оқ поярка, қолган 135 кг эса рангли жун бўлганлиги аниқланди.

Ҳолати бўйича баҳорги жунлар нормал, кузгиси эса 1 группа ифлосланган жунларга киритилган.

2013-йилда хўжаликда жами бўлиб 2048 кг жун теказилган шунинг 70% туси бўйича оқ ва қолган 30 фоизи жуннинг ҳаммаси рангли жун группасига киритилган. Жами етказилган жуннинг асосий қисмини тоза ёки нормал ҳолатдаги жун бўлиб унинг толасининг тозалиги 70-76 %ни ташкил этган.

Қирқимни ва сортлашни натижасини якунлар эканмиз шуни айтиш керакки хўжаликда агарда юқоридаги қайд этилган ишларга риоя қилинмаса қирқиб олинган жунларни сифати жуда ҳам паст бўлиши мумкин, аммо шу йилдан бошлаб тажрибада тасдиқлангандан сўнг хўжалик маъмурияти тўғри олиб борилишига ва тайёрланган жуннинг сортлашга катта эътибор берадилар деб ишонч ҳосил қилдик.

Жунлар сортлангандан сўнг маълумки уни давлатга топишириш керак. Биз томондан бу иш кузатиб борилди. Жун одатда давлатга икки йўл билан топширилади, биринчиси туман чорва маҳсулотини қабул қиладиган идора орқали, иккинчиси эса хўжалик тўғридан-тўғри жунни қайта ишлаб чиқарадиган фабрика заводларга топширилади.

Жунлар қирқилганидан кейин прессланиши, таҳланиши керак ва ҳар бир таҳламни маркировка қилиб (қирқим маълумотларини, сорти, чиқими) давлатга топширилади, аммо бизнинг хўжалигимизда пресс қиладиган анжом йўқ бўлганлиги учун қопларга тиқиб топширилган. Жунларни қоплашни уларнинг рангига ва ҳолатига қараб олиб борилди. Қоплашдан олдин ҳамма жунлар тоза ва қуруқ жойларда қуритилган ва жунларнинг ўртача намлиги 15 % дан ошмаган.

Бизларнинг бу ишларни амалга оширишимизни заготконтора эътиборга олмасдан ҳамма топширилган жуни қайтадан уларнинг ранги ва ҳолати бўйича сортлари ва миқдорларини ҳамда жун толасини чиқимини аниқладик. Заготконторани натижалари билан биз олиб борган ва амалда олинган натижалар орасида деярли фарқ йўқлиги ҳам аниқланди. Хўжалик келажакда жуни тўғридан-тўғри жун фабрикаларни топширилиши ташкил этиш.

4.2.4. Соҳибқирон фермер хўжалигида жун етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Қўйчилик асосан жун маҳсулдорлиги билан баҳоланади. Чунки жун кимматбаҳо маҳсулот деб ҳисобланади. Хўжаликда 2013-йили жун етиштириш ва сотиш аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди.

Бунинг асосий сабабларидан бири жун етиштириш технологиясини ўрганиш вақтидаги аниқланган камчиликларни олдини олиш ва унинг сифат кўрсаткичлар ўрганилиб жунни тўғри сортланишдир, ҳамда қўйларни тоза қирқилишини ташкил этилишидир.

Илгариги йилларда 1 кг жунни сотиш нархи жуда паст бўлиб келган, шунинг учун олинган даромад сарфланган харажатларга кўра кам бўлган ва қўйчилик соҳаси қарздор тармоққа айланиб қолган. 2012-йилдаги етказилган жундан хўжалик фойда кўрган ва қўйчилик рентабеллик даражага айланган. Хўжаликни жун етказишни иқтисодий самарадорлигини 14-жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвал-14

Соҳибқирон фермер хўжалигида жун етиштиришни иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013-йил		
		баҳорда	Кузда	жами
Жами ишлаб чиқилган жун	кг	980	1068	2048
1 кг жунни таннархи	сўм	450	400	423,9
1 кг жунни сотиш нархи	сўм	600	500	547,8
Жами ишлаб чиқилган жуннинг таннархи	сўм	441000	427200	868200
Жун сотишдан олинган ялпи даромад	сўм	588000	534000	1122013
Олинган соф фойда	сўм	147000	106800	253800
Рентабеллик даражаси	%	33,3	25,0	39,2

Жадвалдан кўриниб турибдики 1 кг жуннинг таннарҳи баҳорда 450 кузда 400 сўмни ташкил этган, сотишда эса 600 ва 500 сўмни ташкил этган. Ҳар килограмм сотилган жундан хўжалик баҳорда 150 сўм кузда эса 100 сўм фойда олган. Жами сотилган жундан баҳорда 147000,0 сўм кузда эса 106800,0 сўм фойда олинган жами соф фойда 253800 сўмни ташкил этган. Рентабеллик даражаси баҳорда 33,3 фоиз кузда 25,0 фоизни ташкил этган, умумий рентабеллик даражаси 29,2 фоизни ташкил қилган.

Демак, янги нарҳ-наво асосида қўйлардан олинган жун рентабеллик даражага айланган.

Хулоса

Ўтказилган тажриба бўйича қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Соҳибқирон фермер хўжалигида қўйчилик етакчи тармоқ деб ҳисобланади.
2. Хўжаликдаги урчитилаётган гўшт-ёғдор думбали қўйлар жайдари зотига мансуб бўлиб унинг сони 1000 бош шундан наслдор қўчқорлар 20, совлиқлар сони 450, қолган 530 бош турли жинс ва ёшдаги қўйлардир.
3. Хўжаликда жун ишлаб чиқиш учун технология жорий этилган, лекин қўйларни чўмилтириш ва жунини табақалашда ҳатоларга йўл қўйилган ва жуннинг сифати пасайтирилган.
4. Тажриба ўтказилган йилда хўжаликдаги барча қўйлардан жун қирқилган ва ундан 2048 кг жун олинган, ҳар бир бош қўйдан 2,05 кг жун олинган.
5. Жами жуннинг 60 фоизи қора, қолгани эса турли тусга мансуб, жун толасининг тоза чиқими 70-76 фоизни ташкил этган.
6. Жунларнинг сифат ва синфий таркиби асосий миқдори 1-классга, фақат 25-30% жун 2-классга киритилган, шалтоқи жуни миқдори-100 кг ташкил этган.
7. Хўжаликда қирқим ўз муддатда бажарилган ва кун тартибига қатъиян риоя этилган.
8. Хўжаликдаги етказилган 1 кг жунларнинг таннарҳи баҳорда 450 кузда 400 сўм бўлган. Олинган соф фойда қониқарли ва баҳорда 150 сўмни кузда эса 100 сўмни ташкил этди. Жун ишлаб чиқаришни рентабеллик даражаси баҳорда 33,3, кузда 25,0 фоизни ташкил қилди ва йиллик рентабеллик даражаси 29,2 % бўлган.

Тавсия

Олиб борилган тадқиқот ишимизга ва хўжалик иш юритишига биноан ишлаб чиқаришга қуйидаги тавсияларни берамиз:

1. Қирқимни бошлашдан олдин қирқим хоналарини ва қирқимчиларни тайёрлаш ҳамда қўйларни чўмилтиришни ташкил этиш.
2. Хўжаликда қўйларни танлаш ва саралаш ишларини йўлга қўйиш ва кўп жун берадиган совлиқ ва қўчқорларда селекция ишларини олиб боришда унумли фойдаланиш.
3. Қирқимчилар қўйларни бир текис қирқишга эришиш ва техник ҳатоликларни олдини олиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. (2009) “Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 1997-йилдаги қарори.
2. Ўзбекистонда деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари тўғрисидаги қонун.
3. Хўжаликни 2012-2013 йиллардаги хўжалик ҳисоботи.
4. Хўжаликдаги 2012-2013 йиллардаги ишлаб чиқариш ва молиявий режаси
5. Метрологик станцияларни 2012-2013 йиллардаги об-ҳаво ва иқлим тўғрисида маълумотлари.
6. Алиев А.Г. ва бошқалар Новая-мясо сольная шерстная полная группа овец, Душанбе 1952.
7. Бакиров А. ва Қаландаров Думбали қўйларнинг ялпи зотини етиштириш тажрибаси. Тошкент 1986.
8. Бойко Д.Ф., Файкин А.И. Шерст грубошерстная овуц (каракульская) ценное срё для ковровой промышленности. Овцеводство 1961. №11
9. Дағал жунларни табақалаш 7939-79 рақамли давлат андозаси
10. Джасимов.Ф. – Откормочные способности качественней состав мяса овец парод каракульской и джайдари. Автореферат диссертации к.с.х.н. Тошкент 1972.
11. Дьячков И.Н, Структура грубошерстных (Каракульских) овец. Каракулеводств 1972.
12. Жунларни технологик кўрсаткичлари ўрганиш – ВИЖ 1972.
13. Кедрова С.И. Кормление и содержания каракульских овец М.1969.
14. Обухова ва Кедрова С.И. Исползовании постбиш, каракульским овцам М.1978 г.
15. Вениаминов А.А. технология постбиш кормления овец и производство продуктцит по обуховой и “Кедровой” “Исползованеи постбиш каракульским овцам”. М.1978.

- 16.Лушихин М.Н. Организация культурна постбиш и их использование “Цит по Обухова Кедровой ” Использовани постбиш каракульским овцам”. М.1978.
- 17.Ҳаданович И.В. Кормление “Содержение овец” М.1968
- 18.Яроцкий А.В. Осичкин Г.Н. Пути повилениа производства мяса Ўзбекистане и Ташкент-1963.
- 19.Литовченко Г.Р. Есаулов П.А. Овцаводство. М.1972.
- 20.Арипов У.Х. Откорм курдичных ягнят сельскоехозяство Ўзбекистана 1970 №5.
- 21.Юдин Ю.И., Родин В.П. Овцеводства с основнами промышленной технологи М, 1983.
- 22.Зеленский Г.Г. Козаводства М.1971.
- 23.Плохинский Биометрическая обработки опатних данних. М. 1969.